

(тахминан 1797-1842)

(1825-1842)

Хива хони, Кўнгиротлар сулоласидан. Мухаммад Рахимхоннинг ўгли. Оллохкулихон даврида зулм, талончилик, ўзаро урушлар кучайган. Оллохкулихон Бухоро билан сулх тузилганига карамай 7 марта Бухоро хонлиги ҳудудига юришлар қилиб, кишлокларни талаб қайтган. Хуросонга 5 марта юриш қилган. Қорақалпоқ ва туркманларнинг кўзғолонларини бешафқат бостирган (1828-йил). Россия билан савдо ва элчилик муносабатларини (1840-1841-йиллар) ривожлантирган.

Оллохкулихон даврида Хивада қарвонсарой, тим, 111 та хона ва бўлмалар Тошхўвлар саройи (1834-1835-йиллар), Ичан қалъанинг шарқий дарвозасига туташтириб қурилган Оллохкулихон мадрасаси, Оқ масжид, Сайтбой масжиди, Тошхўвўз қалъаси (1835-1836-йиллар) ва бошқа иншоотлар қурилган. Янги каналлар қаздириб сугориладиган ерларни қенгайтирган. Хива шаҳрининг ободончилиги учун кўп меҳнат сарф қилган. Оллохкулихон даврида қошинқазлик (қошинқорлик) санъати юксак чўққига чиққан. Қаҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Қўхна Арқ қошинлар билан безатилган. Сайид Аловуддин мақбараси ва бошқа кўпгина тарихий обидалар таъмирланган. Арабхон ва Мухаммад Амин иноқ мадрасалари қайтадан қурилган.

Хива шаҳрининг атрофи мудофа девори билан ўраб олинган (1842-йил). Ичан қалъа ташқарисидан яшайтган аҳолини химоя қилиш мақсадида Дишан қалъа (Ташқари қалъа) қурилган. Қалъанинг узунлиги 6250 метр бўлиб, шундай улкан қурилиш қучи билан қаҳсадан 30 кун давомидан қуриб битқазилган. Ичан қалъанинг жанубий дарвозасидан Дишан қалъа деворларигача бўлган масофа 300-400 метрни ташқил қилади.

Оллохкулихон 1842-йил Чоржўйга юриш қилиб қалъани қамал қилган пайтда оғир қасалга дучор бўлиб, орқага қайтишга мажбур бўлган ва 1842-йил 23-ноябрдан вафот этган. Уни ўзи ҳаёт вақтида тайёрлаб қўйган Қаҳлавон Маҳмуд мақбарасига дафн этишган.